



# ҚАТАР–ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТАЙЁР КИЙИМ-КЕЧАК МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ (QUSEZ)

ҚАТАР ЭРКИН ЗОНАЛАРИ ДОИРАСИДА ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СТРАТЕГИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ



## 1 ЛОЙИҲА ТАКЛИФИ

Ўзбекистон мавжуд Қатар эркин зонаси ҳудудида, имкон қадар Ҳамад портига яқин жойда Қатар–Ўзбекистон Тўқимачилик ва Тайёр Кийим-кечак Махсус Иқтисодий Зонасини ташкил этишни таклиф қилади. Лойиҳа Ўзбекистоннинг рақобатбардош тўқимачилик ишлаб чиқариш базасини Қатарнинг инфратузилмаси, инвестиция салоҳияти ва глобал логистика алоқалари билан бирлаштиради.

**Ў-БОСҚИЧ ИНВЕСТИТОРЛАР**  
И

Тахминан 10 та ўзбек компанияси

**БЕВОСИТА ИШ УРИНЛАРИ**

Тахминан 2 000

**АСОСИЙ ФАОЛИЯТ**

Тайёр кийим ишлаб чиқариш

**БИЗНЕС МОДЕЛИ**

Экспортга йўналтирилган хусусий бренд

## 2 ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МОДЕЛИ

Ўзбекистон тайёр трикотаж ва тўқима газлаамаларни етказиб беради. Қатарда иштирокчи компаниялар газламини текшириш, кесиш, тикиш, кашталаш ёки босма ишлари, пардозлаш, сифат назорати, қадоқлаш ва экспорт қилиш ишларини амалга оширадилар.



## 5 ТОМОНЛАРНИНГ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН МАЖБУРИЯТЛАРИ

| ЎЗБЕК ИШТИРОКЧИ КОМПАНИЯЛАРИ                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | ҚАТАР ТОМОНИ / БЕЛГИЛАНГАН МУАССАСАЛАР                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"><li>Усуналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларини етказиб бериш.</li><li>Ишлаб чиқариш менежерлари, техник мутахассислар ва дастлабки ходимларни жалб қилиш.</li><li>Айланма маблағни молиялаштириш ва фабрика фаолиятини бошқариш.</li><li>Халқаро сифат ва харидорлар талабларига жавоб бериш.</li><li>Маҳаллий ёлланган ходимларни ўқитиш ва харидорлар базасини ривожлантириш.</li></ul> | <ul style="list-style-type: none"><li>Қатар эркин зонаси ичида мос ҳудуд ажратиш. Фабрика бинолари ва инфратузилмани молиялаштириш, қуриш ёки узоқ муддатли ижара шартларини таклиф қилиш.</li><li>Лицензиялаш, божхона, меҳнат рухсатномалари ва коммунал хизматларни аниқлаштириш.</li><li>Рағбатлантириш чоралари ва мавжуд молиявий кўмакни аниқлаштириш.</li><li>Халқаро брендларни жалб қилиш ва бозорга кириш ишларини қўллаб-қувватлаш.</li></ul> |



## 6 КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

**ҚАТАР УЧУН**

- Янги ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти
- ТХИ ва илғор технологияларни жалб қилиш
- Иш ўринлари яратиш ва малака алмашинуви
- Логистика, қадоқлаш, молия ва бошқа маҳаллий хизматлар ўсиши

**ЎЗБЕКИСТОН УЧУН**

- Газлама ва тўқимачилик буюмларининг узоқ муддатли экспорти
- Ўзбек ишлаб чиқарувчиларининг халқаро миқёсда кенгайиши
- Глобал кийим-кечак қиймат занжирларига чуқурроқ интеграциялашу

## 7 БОЗОРГА КИРИШ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбек газламасидан тайёрланган маҳсулотлар автоматик равишда Қатар келиб чиқиши мақомини олмайди. Томонлар ҳар бир устувор бозор учун маҳсулотга хос келиб чиқиш қоидалари, маҳаллий қўшилган қиймат талаблари ва тариф тартибини биргаликда баҳолашлари лозим. Хуқуқий жиҳатдан имкон қадар, Қатардан қуйидаги бозорларда преференциал кириш имкониятини яхшилайдиган тегишли тартиботлар ёки ўзгартиришларни қўллаб-қувватлаш сўралади:



Бозорга киришни максимал даражада кенгайтириш учун келишилган қўшилган қиймат чегарасига эга махсус келиб чиқиш қоидалари механизми сўралади.

## 3 УСТУВОР МАҲСУЛОТЛАР

- Футболкалар, поло кўйлақлар, спорт кийимлари, болалар кийимлари ва мода кийимлари.
- Форма кийимлар, иш кийимлари, меҳмонхона-ресторан тўқимачилик буюмлари ва танланган уй тўқимачилиги маҳсулотлари.
- Хусусий бренд остидаги коллекциялар ҳамда халқаро брендлар ва институционал харидорларнинг буюмталаби.

ҚАТАР МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ 2030 БИЛАН УЙҒУНЛИК

## 4 Иқтисодиётни диверсификация қилиш

Углеводород секторидан ташқарида экспортга йўналтирилган кийим-кечак ишлаб чиқариш кластерини яратади.

Хорижий инвестициялар

Усуналар, айланма маблағ, ишлаб чиқариш технологияси, бошқарув ва харидорлар билан алоқаларни олиб келади.

Хусусий сектор ўсиши

Ўн та тажрибали ўзбек компанияси Қатарда фабрикалар ташкил этади ва фаолият юритади.

Малака ва меҳнат унумдорлиги

Саноат муҳандислиги, сифат назорати, тежамкор ишлаб чиқариш ва кадрларни ўқитишни жорий этади.

Глобал алоқадорлик

Ҳамад порти, Ҳамад Халқаро аэропорти ва Қатар эркин зоналаридан минтақавий экспорт платформаси сифатида фойдаланади.

КЕЙИНГИ  
ҚАДАМЛАР



Қатар–Ўзбекистон қўшма ишчи гуруҳини ташкил этиш



Эркин зона ҳудудини ва ер ажратишни аниқлаш



Иштирокчи компанияларни танлаш



Техник-иқтисодий асос ва бош режани тайёрлаш



Ҳукуматлараро асосий келишувни имзолаш



Ў-босқич қурилишини бошлаш

Қўшма таҳлил ва қарор қабул қилиш тартиботи учун мўлжалланган муддат



## **Қатардаги саноат зоналарида маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқаришини ташкил қилишга оид**

Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ТИВ ва дипломатик ваколатхоналар фаолияти бўйича ўтказилган йиғилишида берилган топшириқлар юзасидан 10-сон баёнининг 7-бандида Қатардаги саноат зоналарида маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқаришини ташкил қилиб, йил якунига қадар 100 миллион долларлик лойиҳалар бошлаш белгиланган.

Қатар томони Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлашини ҳамда ўзбек ишлаб чиқарувчилари учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб беришда ҳар томонлама кўмак кўрсатишга тайёр эканини таъкидлади.

Қатар Эркин Иқтисодий Зона ҳудудида ишлаб чиқаришларни ташкил этишда қуйидаги **афзалликлар, имтиёз ва преференциялар** мавжудлиги маълум қилинди:

- компанияни рўйхатдан ўтказиш санасидан бошлаб 20 йилгача 0% корпоратив солиқ ставкаси қўлланилиши ҳамда 100% хорижий мулкчиликка рухсат берилиши;

- иқтисодий зона ҳудудига хомашё ёки тайёр маҳсулотни божхона тўловларисиз олиб кириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш имконияти;

- иқтисодий зонада корхона ходимлари ва раҳбарлари учун даромад солиғининг қўлланилмаслиги;

- “Invest Qatar” линияси бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларни Қатар банклари томонидан молиялаштириш имконияти;

- иқтисодий зоналар томонидан тайёр ишлаб чиқариш объектларини ижарага тақдим этилиши (йилига 1 м<sup>2</sup> учун \$1,5 дан бошлаб);

- Форс кўрфази савдо йўлларидаги қулай географик жойлашув ҳамда “Hamad Port” инфратузилмаси логистика ва экспорт имкониятларини кенгайтириши;

- Қатарнинг “Gulf Cooperation Council” ягона божхона ҳудуди иштирокчиси экани сабаб мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган

маҳсулотларни Кўрфаз давлатларига божларисиз экспорт қилиш имкони;

- давлат харидларида Қатарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг импорт маҳсулотларга нисбатан устуворликка эга экани.

Эътибор 2025 йил май ойида ишга туширилган “Invest Qatar”нинг инвесторларни рағбатлантиришга қаратилган **махсус дастурига** қаратилади. Дастур доирасида инвесторлар томонидан киритилган инвестицияларнинг **40 фоизигача** – техника ва ускуналар хариди учун ва **20 фоизигача** – завод, офис ва омбор биноларини қуриш харажатлари қоплаб берилади.

Мазкур дастур асосида қарийб **30** та корхона ишга туширилган бўлиб, давлат томонидан ажратилган **\$1 млрд.**

Қатар эркин иқтисодий зоналари ҳақида

Қатар эркин иқтисодий зоналари (Qatar Free Zones) — бу чет эл инвестицияларини жалб қилиш, иқтисодиётни диверсификация қилишни рағбатлантириш ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини (логистика, саноат, технологиялар, денгиз хизматлари ва бошқалар) ривожлантириш учун ташкил этилган махсус иқтисодий Ҳудудлардир.

Бошқарув ва тартибга солиш «Qatar Free Zones Authority» томонидан амалга оширилади — бу 2018 йилда ташкил этилган, халқаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш бўйича давлат стратегияси доирасида эркин зоналарни ривожлантириш ва тартибга солиш учун мустақил давлат органи.

## I. Эркин иқтисодий зоналар

### 1. «Ras Bufontas Free Zone»

Мамлакатнинг «Hamad International Airport» халқаро аэропорти яқинида жойлашган. Ихтисослашуви — авиация ва авиация хизматлари, логистика ва «e-commerce», IT, рақамли технологиялар, стартаплар. Асосий йўналиши — юқори қўшилган қийматга эга хизматлар ва тезкор логистика.

### 2. «Umm Alhoul Free Zone»

«Hamad Port» денгиз порти яқинида жойлашган. Ихтисослашуви — саноат ва йиғиш ишлаб чиқариши, денгиз логистикаси, қайта ишлаш ва сақлаш. Асосий йўналиши — экспорт, реэкспорт, йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари.

#### Асосий имтиёзлар:

100% чет эл мулкчилигига рухсат берилади;

компания рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 20 йилгача 0% корпоратив солиқ;

зона доирасида импорт ва экспортга 0% божхона тўловлари;

капитал ва фойдани тўлиқ репатриация қилиш;

соддалаштирилган рўйхатдан ўтказиш ва визаларни қўллаб-қувватлаш;

ер ва тайёр объектларни узоқ муддатли ижарага бериш.

## II. Саноат зоналари

### 1. «Mesaieed Industrial City»

Қатарнинг энг йирик саноат зонаси бўлиб, пойтахт Доҳадан 40 км жанубда, «Al Wakrah» муниципалитетида жойлашган. Бу йирик энергетика, металлургия, кимё ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларни бирлаштирган стратегик аҳамиятга эга саноат хаби ҳисобланади. Уни давлат нефт-газ компанияси «QatarEnergy» бошқаради.

Асосий йўналишлар — нефтни қайта ишлаш ва нефткимё, ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, металлургия ва алюминий саноати, энергетика ва қурилиш учун қўллаб-қувватловчи ва ёрдамчи тармоқлар, маҳсулотни порт орқали ташиш ва экспорт қилиш.

Зона саноат ва ёрдамчи лойиҳалар учун умумий майдони 12 млн. м<sup>2</sup> дан ортиқ ер участкаларини тақдим этади, уларнинг катта қисми аллақачон ажратилган.

**Инвестицион устунликлар — мамлакатнинг энг йирик портларидан бирига яқин стратегик жойлашув ҳамда янги корхоналар учун мослашувчан шартлар ва имтиёзлар (тўловларни кечиктириш, ерга онлайн ариза бериш) билан узоқ муддатли (50 йилгача) ижарага олиш имконияти.**

Саноат участкаларини ижарага олиш нархи тахминан йилига 1 м<sup>2</sup> учун 1,5 АҚШ долларини, логистика парклари учун эса йилига 1 м<sup>2</sup> учун 4,2 АҚШ долларини ташкил этади. Бу, аynиқса катта ҳажмдаги инвестицияларни амалга оширадиган корхоналар учун, стандарт бозор ставкаларидан сезиларли даражада паст.

**Инфратузилма ва ташкилий имтиёзлар:**

транспорт тармоқларига, сув таъминоти, электр энергияси, йўллар ва омбор қувватларига кириш имконияти;

коммунал хизматларни рақобатбардош тарифлар бўйича улаш имконияти;

ишлаб чиқаришни тезлаштириб ишга тушириш учун тайёр майдончалар (pre-built plots).

**Имтиёзлар:**

100% чет эл мулкчилиги — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ўз ичига олган кўплаб фаолият турлари доирасида рухсат этилади. Энергетика соҳаси ушбу гуруҳга крмайди;

жисмоний шахслар учун даромад солиғи йўқ;

саноат компаниялари баъзи экспорт божларидан озод этилиши мумкин, баъзи ҳолларда эса ускуна ва хомашё импортига божхона тўловлари умуман олинмайди;

халқаро бозорларга кириш имконияти — Форс кўрфази савдо йўлларидаги қулай географик жойлашув ва «Hamad Port» порт инфратузилмаси логистика ва экспорт имкониятларига кўмаклашади.

## **2. «Ras Laffan Industrial City»**

Доҳадан 80 км шимоли-шарқда жойлашган Қатарнинг йирик саноат мажмуаси. Мамлакатнинг асосий энергетика маркази ҳамда суюлтирилган табиий газ, «GTL» маҳсулотлари ва бошқа энергия ташувчиларни, шунингдек комплекс нефт-газ ва тегишли инфратузилма объектларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича асосий тугун. Зонани бошқариш ва унга раҳбарлик қилишни давлат нефт-газ компанияси «QatarEnergy» амалга оширади.

«Ras Laffan»даги тартиб Қатарнинг умуммиллий қонунчилиги ва энергетика сиёсати билан, стратегик инфратузилма мақоми ҳамда йирик давлат ва ярим давлат компанияларининг иштирокини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

**Рас Лаффанда алоҳида солиқ имтиёзлари бевосита белгиланмаган, бироқ стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар инвестиция битимлари доирасида солиқ шартларини давлат органлари билан бевосита муҳокама қилишлари мумкин.**

[Маълумот учун:] Қатарда чет эл компаниялари соф фойдасига стандарт корпоратив солиқ ставкаси — 10%. Маҳаллий (100% қатарлик) компаниялар солиқдан озод этилиши мумкин.

Жисмоний шахслардан даромад солиғи олинмайди.

**20 йилгача нол корпоратив солиқ, нол божхона тўловлари ва 100% чет эл мулкчилиги каби имтиёзлар фақат QFZA томонидан бошқариладиган, Umm Alhoul ёки Ras Bufontas каби расман Free Zone деб тан олинган зоналарда амал қилади. «Ras Laffan» ушбу тоифага кирмайди.**

**Божхона шартлари ва савдо имтиёзлари**

Free Zone ҳудудидан ташқарида Қатардаги компаниялар импорт қилишда одатдаги божхона тўловини (асосан товарларнинг аксарияти бўйича тахминан 5%) тўлайди, бундан махсус ҳукумат қарорлари билан озод этилган айрим хомашё ёки ускуна тоифалари мустасно.

**Рас Лаффанда компанияларга, одатда, «Free Economic Zone»га хос автоматик божхона имтиёзлари берилмайди. Бироқ йирик нефт-газ лойиҳалари давлат шартномалари ва битимлари доирасида ускуна ва материалларни импорт қилишда одатда имтиёзли тартибга эга бўлади, бу эса муҳим ускуналар бўйича божхона харажатларини камайтиради.**

«Ras Laffan» порти — СПГ ва нефт-газ маҳсулотлари учун дунёдаги энг йирик экспорт терминали. У фойдаланувчи компанияларга юкларни қайта ишлаш ва флотга хизмат кўрсатиш учун рақобатбардош шартларни таклиф этади.

**Стратегик соҳалар (нафақат LNG/GTL) билан боғлиқ лойиҳалар учун Қатар давлати тўғридан-тўғри инвестиция битимлари орқали қўшимча имтиёзларни таклиф этиши мумкин. Бунга қуйидагилар киради:**

**стратегик солиқ шартлари — йирик инвесторлар ва узоқ муддатли лойиҳалар учун ҳукумат билан келишилган ҳолда солиқ имтиёзлари, пасайтирилган ставкалар ёки корпоратив солиқни кечиктириш имкониятларини муҳокама қилиш;**

давлат қўллаб-қувватлаши ва субсидиялар — инфратузилма, илмий марказлар, энергия самарадорлиги дастурлари ва бошқа йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, жумладан субсидиялар, грантлар ёки имтиёзли молиялаштириш.

### 3. «Doha Industrial Area»

ДоҲа муниципалитетининг йирик саноат ҳудуди бўлиб, катта майдонни эгаллайди ва шаҳарнинг асосий саноат зонаси ҳисобланади. У тарихан омборлар, енгил ишлаб чиқариш, хизматлар, транспорт ва таъмирлаш корхоналари учун майдон бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда зона корхоналар, омборлар, устакхоналар ва ишчи инфратузилма зоналарини ўз ичига олади.

«Doha Industrial Area» «Qatar Free Zones Authority» бошқаруви остида.

«Doha Industrial Area»да фаолият юритувчи корхоналар учун умуммиллий қонунчилик ва муниципал органлар қарорлари билан белгиланган инвестицион ва иқтисодий рағбатлантириш чоралари амал қилади.

**Давлат рағбатлантириш дастурлари доирасида айрим инвестиция лойиҳалари учун ҳукумат билан келишилган ҳолда 5 йилгача солиқ имтиёзлари берилади.**

**«Doha Industrial Area» эркин иқтисодий зоналардаги каби автоматик корпоратив солиқ имтиёзлари ёки озод этишларни олмайди, аммо давлат стратегик тармоқлардаги йирик инвестициялар учун келишилган ҳолда индивидуал солиқ имтиёзларини тақдим этиши мумкин.**

Қатарга товарлар олиб кирилганда божхона тўловининг базавий ставкаси товарлар қийматининг 5%ини ташкил этади. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва маҳаллий даражада мавжуд бўлмаган машина, ускуна, эҳтиёт қисмлар, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар импортига божхона тўловларидан истиснолар олишлари мумкин.

Қайта ишлаш ёки таъмирлаш учун вақтинча чет элга олиб чиқилган маҳсулот вазиятга қараб божсиз ёки камайтирилган божлар билан қайта олиб кирилиши мумкин.

**Саноат бизнеси учун ер ижара тўлови ставкаси тахминан йилига 1 м² учун 2,8 АҚШ долларини ташкил этади. Ижара шартномалари 25 йил муддатга тузилиши, ҳар 5 йилда ижара шартлари қайта кўриб чиқирилиши мумкин.**

Саноат учун давлат томонидан қисман субсидияланадиган коммунал хизматлар (электр энергия, сув, газ) бўйича жозибали нархлар тақдим этилади.

Чет эллик ишчи кучини жалб қилиш учун имтиёзли шартлар — малакали ходимлар учун соддалаштирилган иммиграция ва иш жараёнлари.

Компанияни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялар олиш Савдо ва саноат вазирлиги (Ministry of Commerce and Industry) орқали амалга оширилади. Саноат фаолиятининг кўпчилик турларида 100% чет эл мулкчилиги мумкин.